

1687/4574 – عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا: أَنَّهَا سَأَلَهَا عُرْوَةُ عَنْ قَوْلِ اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ: (وَإِنْ خَفْتُمْ أَلَا تَقْسِطُوا فِي الْيَتَامَى)، فَقَالَتْ: يَا ابْنَ أُخْتِي، هَذِهِ الْيَتِيمَةُ تَكُونُ فِي حَجْرِ وَلِيَهَا، تَشْتُكُهُ فِي مَالِهِ، وَيُعْجِبُهُ مَالُهَا وَجَمَاهُرُهَا، فَيُرِيدُ وَلِيَهَا أَنْ يَتَرَوَّجَهَا، بَعْدَ أَنْ يُقْسِطَ فِي صَدَاقَهَا، فَيُعْطِيهَا مِثْلَ مَا يُعْطِيهَا عِيْرَهُ، فَتُهُوا عَنْ أَنْ يَنْكِحُوهُنَّ إِلَّا أَنْ يُقْسِطُوا لَهُنَّ، وَيَبْلُغُوا لَهُنَّ أَعْلَى سُتْهِنَّ فِي الصَّدَاقِ، فَأَمْرُوا أَنْ يَنْكِحُوا مَا طَابَ لَهُمْ مِنَ النِّسَاءِ سِوَاهُنَّ. قَالَتْ عَائِشَةُ: وَإِنَّ النَّاسَ اسْتَقْتُوا رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَعْدَ هَذِهِ الْآيَةِ، فَأَتَرْتَلَ اللَّهُ: (وَيَسْتَقْتُونَكَ فِي النِّسَاءِ) [127]. قَالَتْ عَائِشَةُ: وَقَوْلُ اللَّهِ تَعَالَى فِي آيَةِ أُخْرَى: (وَتَرْعَبُونَ أَنْ تُنْكِحُوهُنَّ) [127]: رَغْبَهُ أَحَدِكُمْ عَنْ يَتِيمَتِهِ، حِينَ تَكُونُ قَلِيلَةُ الْمَالِ وَالْجَمَالِ، قَالَتْ: فَتُهُوا - أَنْ يَنْكِحُوهُا - عَنْ مَنْ رَغَبُوا فِي مَالِهِ وَجَمَالِهِ فِي يَتَامَى النِّسَاءِ إِلَّا بِالْقُسْطِ، مِنْ أَجْلِ رَغْبَتِهِمْ عَنْهُنَّ إِذَا كُنَّ قَلِيلَاتِ الْمَالِ وَالْجَمَالِ.

1687.4574. Ибн Шихобдан ривоят қилинади:

«Урва ибн Зубайр менга хабар қилди, у Оиша розияллоху анҳодан Аллоҳ таолонинг «Агар етимларга адолат қила олмасликдан қўрқсангиз...» деган сўзи ҳақида сўраган экан, шундай дебди: «Эй жияним, у валийсининг қарамоғида бўлган, унинг молига шерик бўлган етим қиздир. Унинг моли ва жамоли валийсими қизиқтириб қолиб, унга маҳрида адолат қилмай, унга бошқалар берадиганча бериб, уйланмоқчи бўлади. Шу боис уларга адолат қилиб, урфдаги маҳрларининг энг юқорисини бермасалар, уларни никоҳга олишдан қайтарилдилар ва ўзларига ёққан бошқа аёлларни никоҳга олишга буюрилдилар».

Урва айтади: «Оиша розияллоху анҳо айтди: «Одамлар ушбу оятдан кейин Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламдан фатво сўрашган эди, Аллоҳ: «Сендан аёллар ҳақида фатво сўрарлар...»ни нозил қилди».

Оиша розияллоху анҳо айтди: «Аллоҳ таолонинг бошқа оятдаги «ва сизлар никоҳларига рағбат қиласидиган...» дегани бирингизнинг қарамоғидаги

ятимага молу жамоли кам бўлган пайтда рағбат қилмаслигидир. Шу боис, молу жамоли камлигидан уларга рағбат қилмаганлари туфайли ўзлари молу жамолига қизиққан ятималаргаadolat қилмай туриб никоҳланишдан ҳам қайтарилдилар».

Изоҳ: Жоҳилият даврида бошқа ҳуқуқлар қатори, етимларнинг, хусусан ятималарнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳам оёқости қилинар эди. Валий ўз тарбиясидаги етим қиз балоғатга етганда, агар у чиройли ёки мол-дунёли бўлса, маҳрини кам бериб ёки умуман бермай, мажбурлаб ўз никоҳига олар эди. Бордию қиз чиройли бўлмаса ёки камбағал бўлса, унга қизиқмас эди. Лекин қизнинг қўлида озми-кўп мулки бўлса, унга меросхўр бўлиш илинжида уни бошқа одамга турмушга чиқишдан ҳам тўсар эди. Ислом бундай тасарруфларни ман қилди. Агар валий қарамоғидаги ятимага уйланмоқчи бўлса, аввало қизнинг розилиги билан, унинг маҳри мислини, яъни илм, чирой, насаб ва бошқа жиҳатларда шу қизга teng келадиган қизларга бериладиган одатдаги маҳрни бериш, иложи бўлса, ўша одатдаги маҳрнинг ҳам энг қўпини бериб уйланиш фарз қилинди. Агар валийларнинг бу кабиadolat қилишга кўзи етмаса, бошқа аёлларга уйланишга, ятималарни эса ўз ихтиёrlарига қўйишга буюрилдилар.

Манба: hadis.islom.uz

